

УЮШМАГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор

Жумабоев Огабек Рустам ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича

таълим олаётган 3-ўқув курси 323-ўқув гуруҳи курсанти

Аннотация: Мақолада уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинади аҳамияти ва усуллари ёритилади.

Калит сўзлар: Уюшмаган ёшлар, ҳуқуқбузарлик, махсус профилактика, ижтимоий назорат, профилактик чоралар.

Аннотация: В статье анализируются вопросы совершенствования специальной профилактики правонарушений среди неорганизованной молодежи, освещаются ее значение и методы.

Ключевые слова: Неорганизованная молодежь, правонарушения, специальная профилактика, социальный контроль, профилактические меры.

Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсати давлат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган бўлиб, бунда ёш авлоднинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Конституция ҳам ёшларнинг ҳуқуқий мақоми ва имкониятларини кафолатлашга катта аҳамият беради. Жумладан, асосий қонуннинг 79-моддасида қуйидагича мустаҳкамланган:

Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради.

Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади[1].

Ҳозирги тез ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шароитда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги энг мураккаб масалалардан бири — уюшмаган ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар динамикаси ва уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда самарали бартараф этиш

ҳисобланади. Амалда ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси, кўп ҳолларда, “Ўсмир”, “Орият”, “Қорадори”, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги”, “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” каби шартли номлар билан ўтказиладиган профилактик тадбирлар тизими сифатида тушунилади. Бироқ бундай тадбирларнинг формал ўтказилиши ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда кутилаётган натижани тўла таъминламайди [2].

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” [3]ги Қонунининг 24-моддаси ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси моҳиятини аниқ белгилаб беради. Унга кўра махсус профилактика икки асосий йўналишдан иборат:

биринчиси — муайян турдаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва содир этилишига имконият берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек айрим тоифадаги шахсларни аниқлаб, уларга мақсадли профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш;

иккинчиси — мазкур тадбирларни амалиётга жорий этиш ва уларнинг ижросини таъминлашдан иборат.

Уюшмаган ёшлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ушбу икки йўналишнинг ҳар бирида алоҳида ёндашувни талаб этади. Чунки улашмаган ёшлар ижтимоий назоратдан четда қолган, таълим, меҳнат ва маънавий тарбия тизимлари билан етарлича қамраб олинмаган тоифа бўлиб, уларнинг девиант хулқ-атворида ички ва ташқи омиллар бир вақтнинг ўзида кучли таъсир кўрсатади. Шу сабабли, улар билан ишлашда фақат тадбирлар ўтказиш билан чекланиш эмас, балки муаммонинг илдизига йўналтирилган, ҳуқуқий, ижтимоий-психологик ва тарбиявий механизмлар уйғунлаштирилган махсус профилактика тизимини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, хусусан унинг махсус йўналишини тўғри тушуниш ва амалиётга тўғри жорий этиш мазкур соҳадаги ишларнинг самарадорлигини белгилайди. Махсус профилактиканинг моҳияти, унинг вазифалари ва имкониятларини тўла англаб етиш профилактик тадбирларни тартибли, тизимли ва мақсадли ташкил этиш учун зарур шарт ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида алоҳида ўрин тутаяди.

Аввало, махсус профилактиканинг биринчи муҳим хусусияти — унинг фақат ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан бажарилишидир. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунда “ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси” ва “ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси”

ҳам бевосита профилактика органлари иштирокида амалга оширилиши кўрсатилган бўлса-да, қонуннинг 32-моддаси бевосита профилактикага масъул органлар ваколатларини янада аниқ белгилаб беради. Мазкур моддага кўра, профилактика органлари ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон яратаётган шарт-шароитлар ҳақида тегишли давлат органларини хабардор қилишга ҳақлидир.

Шунингдек, қонуннинг 45-моддасида давлат органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларига ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар тузиш имконияти берилгани қайд этилган. Бу эса ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси на фақат бевосита профилактика органлари, балки профилактика жараёнида иштирок этувчи бошқа орган ва ташкилотлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкинлигини англатади.

Сўнгги йилларда глобал миқёсда гиёҳвандлик ва наркожиноятчиликнинг кенг ёйилиши ёшлар хавфсизлигига жиддий таҳдид сифатида намоён бўлмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 3 ноябрдаги йиғилишда таъкидлаганидек, дунё бўйлаб 400 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик чангалига тушгани, ҳар йили 300 мингга яқин киши мазкур иллат оқибатида ҳаётдан кўз юмиши бу муаммонинг қанчалик хавfli ва кескинлашиб бораётганини кўрсатади.

Бу глобал таҳдидлар мамлакатимизга ҳам бевосита таъсир кўрсатмоқда: йил бошидан бери 11 мингдан ортиқ наркожиноят аниқланиб, 2,5 тоннага яқин гиёҳванд моддалар муомаладан чиқарилгани бунинг ёрқин далилидир.

Наркожиноятчиликнинг турлари ва шакллари йилдан-йилга мураккаблашиб, ахборот-коммуникация технологиялари орқали тарқалиш тенденцияси кучаймоқда. Бундай шароитда ёшлар, айниқса уюшмаган, ижтимоий назоратдан четда қолган тоифа энг осон ва тез таъсирланувчи қатлам ҳисобланади. Шу боисдан ҳам мазкур иллатга қарши курашда улар билан олиб бориладиган махсус профилактик тадбирларни кучайтириш, уни комплекс, тизимли ва мақсадли равишда ташкил этиш долзарб аҳамиятга эга.

Давлат раҳбари томонидан маъқулланган **2025–2026 йилларга мўлжалланган “Гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш” бўйича миллий дастур** ёшлар хавфсизлигини таъминлашнинг стратегик йўналишларини белгилаб берди. Унда 100 дан зиёд тезкор-профилактик, ташкилий-тарбиявий ва тарғибот-ташвиқот чора-тадбирларини амалга ошириш назарда тутилган бўлиб, бу давлатнинг махсус профилактикага қаратилган янги босқичдаги саъй-ҳаракатларидан дарак беради.

Президент томонидан таъкидланган устувор вазифалар —

- ёшлар орасида наркотикларнинг ноқонуний айланмасига қатъий чек қўйиш;
- наркожиноятлар учун жавобгарликни оғирлаштириш;
- интернет орқали тарқатиш, уюшган гуруҳлар ва нарколабораторияларни аниқлашга қаратилган тезкор-қидирув фаолиятини кучайтириш;
- гиёҳвандликнинг диагностикаси, даволаш ва реабилитация тизимини тубдан такомиллаштириш

— уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси мазмунини тўлақонли амалга оширишда муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади[4].

Мустақил изланувчи Х.Қ. Бабаханов ўз мақоласида қуйидагича фикр билдирган, “оила-турмуш муносабатлари ўзининг маълум бир доирасига эга, бу доира, аввало, никоҳ, қон-қариндошлик, оилавий ришталар ёки маълум бир сабабларга кўра, бир-бирлари билан боғланган бир гуруҳ шахсларнинг шахсий муносабатларга киришиши билан тавсифланади. Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги шахслар томонидан бирбирига нисбатан ҳуқуқбузарлик содир этилиши “оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарлик ҳисобланади” [5]

Шу нуқтаи назардан, уюшмаган ёшлар билан ишлашда фақат тарғибот тадбирлари билан чекланиб қолмасдан, балки жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, психоижтимоий ва рақамли профилактика механизмларини интеграция қилиш зарурлиги яққол намоён бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни.
3. Ғофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. —Т., 2019. —Б. 91
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 3 ноябрь куни миллат генофондини гиёҳвандликдан ҳимоя қилиш, кибержиноятларга қарши самарали курашиш ҳамда прокурор назоратини рақамлаштириш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишиши <https://president.uz/uz/lists/view/8617> .
5. Қадамович Б. Ҳ. и др. НОТИНЧ ОИЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ MASALALARI //PEDAGOGS INTERNATIONAL RESEARCH JOURNAL. – 2025. – Т. 94. – №. 1. – С. 22-25.